

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz



## 4 ДЕКАБР — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Пойтахтимиздаги «International Hotel Tashkent» меҳмонхонасида 30 ноябр куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича «Press klub: Saylov.uz — 2016» пресс-клубининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда парламент аъзолари, вазирлик ва идоралар, халқаро ва жамоат ташкилотлари вакиллари, сайловни кузатиш учун мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар, етакчи экспертлар, маҳаллий ва хорижий журналистлар иштирок этди.



► 4-саҳифа



### Менинг овозим — менинг келажагим

1998 йилнинг 4 декабрида таваллуд топганман. Шу куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида 18 ёшга тулишим туфайли илк бор иштирок этаман.

Миробод туманидаги Енгил саноат ва сервис касб-хунар коллежида сайлов қонунчилиги оид қатор тадбирлар уюштирилди. Билиб олдимки, мамлакат келажаги учун ўзи танлаган номзода овоз бериш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Шу боис барча номзодлар дастурини синчиклаб ўрганиб чиқдим. Уларнинг сайловда тарғиботини диққат билан кузатиб бордим. Яқинда маҳалла фаоллари уйимиздаги катталар билан бирга менга алоҳида таклифнома топширишганида ўзимда йўқ ҳаяжонланганимни кетдим. Зеро, энди мен ҳам миллионлаб юртодошларим каби ўз овозим билан Ватанимиз келажагини белгилашда иштирок этаман. Менинг овозим, менинг фикрим ҳам аҳамиятга эгалигидан бағоят бахтиёрман.

Малика СОБИРЖОНОВА,  
коллеж ўқувчиси

## «Press klub: Saylov.uz — 2016» очилди

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси раиси С.Сафоев, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори А.Саидов, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдухолиқов, «UzReport» ахборот агентлиги бош директори Р.Жўраев ва бошқалар жорий йилнинг 4 декабр куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилаш ва модернизация қилиш борасида амалга оширилган ишхотларнинг кўзгуси эканини, уни очик ва ошкора, халқаро стандартлар даражасида ташкил қилишда оммавий ахборот воситалари муҳим ўрин тутганини алоҳида таъкидлади.

Сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида мамлакатимиз аҳолиси ва халқаро ҳамжамиятни хабардор қилиб боришда оммавий ахборот воситалари фаол иштирок этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ва округ сайлов комиссиялари матбуот марказларида журналистлар учун зарур шaroитлар яратилган. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссияларининг мажлисларида оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда. Бундан ташқари, комиссиялар томонидан оммавий ахборот воситаларининг сайлов жараёнини ёритишга қўмаклашиш, журналистларнинг бу борадаги билим ва кўникмасини янада мустаҳкамлаш, тажрибасини ошириш мақсадида туркум семинарлар, анжуманлар ташкил этилмоқда.

Сайлов кампаниясида иштирок этаётган мил-

лий ва хорижий ОАВ вакиллари учун халқаро стандартларга мос қулай инфратузилма ва шароитлар яратиш, интерфаол медиа майдони барпо этиш ҳамда сайловга тайёргарлик қўриш ва ўтказиш жараёнини ёритишда ҳолислик, ошкоралик ва тезкорликни таъминлаш, халқаро кузатувчилар, экспертлар ва медиа соҳа вакиллари мамлакатимизда эришилган ютуқлар билан таништириш мақсадида Ўзбекистон электрон ОАВ миллий ассоциацияси, «Uzbekistan Today» ахборот агентлиги, «Mening Yurtim», «UzReport-TV» телеканаллари ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида мамлакатимизда илк бор «Press klub: Saylov.uz — 2016» пресс-клуби ташкил этилди.

Пресс-клуб ўз мультимедиа майдонида хорижий ва миллий медиа соҳа вакиллари билан бирлаштирилади. Бу ерда IT-технология, дизайн ва мультимедиа соҳасидаги энг сунги ютуқлардан фойдаланилган, юқори тезликдаги интернет ва Wi-Fi алоқаси, компютерлар, принтерлар, телефонлар ва бошқа кўп функцияли қурилмалар ўрнатилган. Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси студиялари ва мамлакатимиздаги 10 ҳудудий нодавлат телестудиялар билан онлайн боғланиш, алоҳида узатувчи телестанция ўрнатилган Марказий сайлов комиссияси матбуот маркази билан бевосита онлайн алоқа йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишнинг барча босқичлари ҳақида жамоатчилик хабардор қилиш бўйича катта тажриба тўпланган. — дейди «Синхуа» ахборот агентлиги мухбири Ша Дати (Хитой). — Бунга сайлов кампанияси давомида гувоҳ бўлмоқдамиз. Марказий сайлов комиссияси ва округ сайлов комиссиялари томонидан матбуот анжуманлари ва брифинглар онлайн тарзида ташкил этилаётгани барча ҳудудлардаги сайловчиларнинг фаоллиги ошишига, муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик жараёнидан тўлақонли

хабардор бўлишига имконият яратмоқда. Мазкур пресс-клубининг очилиши журналистларнинг Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараён ҳақида янада кенгрок ахборот олиши ва сайлов кампаниясини самарали ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

Пресс-клубнинг самарали фаолият олиб бориши учун сиёсий партиялар, вазирлик ва идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, халқаро кузатувчилар иштирокида брифинглар, матбуот анжуманлари ва туркум тадбирлар ташкил этилади.

Пресс-клуб дастуридан халқаро кузатувчилар ва хорижий ОАВ вакиллари Ўзбекистоннинг аънавий маданияти ва санъати билан таништиришга қаратилган маданий тадбирлар ҳам ўрин олган. — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурини сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилгани диққатга сазовор, — дейди «The Daily Ittihad» газетаси мухбири Муҳаммад Аббосхон (Покистон). — Бунга Самарқанд ва Бухоро вилоятларида сайловчилар билан ўтказилган учрашувларини кузатиш жараёнида гувоҳ бўлдим. Аксарият сайловчилар Президентликка номзодларнинг сайловда дастурлари, улардаги устувор йўналишлардан яхши хабардор. Бу мамлакатимизда мазкур сиёсий жараёнга таъкилли-ҳуқуқий жиҳатдан пухта тайёргарлик қўрилганидан далолат беради.

Тадбирда мамлакатимизда сайловни ёритувчи оммавий ахборот воситаларининг замонавий асосда фаолият юритиши учун барча шароит яратилгани, бундай лойиҳалар хорижий кузатувчилар ва ОАВ вакиллари бўлажак сайлов жараёни, шунингдек, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари фаолияти билан таништиришда алоҳида аҳамият касб этиши қайд этилди.

М.ЭЛМУРОДОВ,  
УЗА мухбири

Сайлов — 2016

### ШХТ кузатувчилар миссияси Ўзбекистонга келди

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг (ШХТ) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш бўйича миссияси кузатувчилари 2016 йил 30 ноябр куни мамлакатимизга келди. Унга ШХТ Бош котиби Рашид Алимов раҳбарлик қилмоқда.

ШХТ миссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Президент сайловига халқаро кузатувчилар таклиф этилишини уни демократик тамойиллар асосида, очик ва ошкора ўтказишга бўлган интилишининг яққол ифодаси, деб баҳолайди.

Миссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига ҳамда Президент ва парламент сайловларида, референдумларда ШХТ кузатувчилар миссияси тўғрисидаги илҳом асосида сиёсий бетарафлик ва давлатнинг илҳом асосида аралашмаслик тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширади.

Унинг таркибига ШХТга аъзо давлатларнинг қонун чикрувчи, ижро ва сайлов органлари, шунингдек, ШХТ котибиятининг 20 нафар вакили киритилган. Улар ўз фаолияти давомида илҳом борича кўпроқ сайлов ушакларига таширф буюришни режалаштирмоқда.

Миссия Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Ташқи ишлар вазирлиги, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университетида учрашувлар ўтказди. Сайлов комиссиялари, сиё-

сий партиялар, оммавий ахборот воситалари вакиллари, халқаро ташкилотлар миссиялари аъзолари, хорижий мамлакатлар кузатувчилари билан мулоқотлар ўтказишни режалаштирган.

ШХТда сайловларни кузатиш соҳасида катта тажриба тўпланган. Бу борада ташкилотда 2004 йилдан буён 37 миссия шакллантирилган бўлиб, уларнинг 5 таси мамлакатимизда иш олиб борган.

Шу куни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов ШХТ кузатувчилар миссияси раҳбари Р.Алимов билан учрашди.

Мулоқот чоғида миссия раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш доирасида амалга оширилаётган ишлар билан атрафлича таништирилди.

Таъкидланганидек, сайловга тайёргарлик ишлари сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ, очик ва ошкора олиб борилаётган.

Б.БОЗОРОВ,  
УЗА мухбири

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросимига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

### Йилнинг энг фаол ёш журналистлари аниқланди

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, соҳа ходимларини қўлаб-қувватлаш, уларнинг меҳнатини рағбатлантириш ва ёш журналист кадрларини тайёрлашга қаратилган алоҳида эътибор юксак самаралар бераётгани таъкидланди.

Жорий йилда танловга 30 ёшгача бўлган 500 нафардан ортиқ журналист матбуот, радио, телевидение, Интернет ва фотожурналистика йўналишларида 4 мингга яқин ижодий ишлари тақдим этди.

Ижодий ишлар мазмунининг долзарблиги, ёритиш маҳорати, мамлакатимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатининг мазмун-моҳиятини очиб бериш каби мезон-

лар асосида баҳоланди. Ҳар бир номинация бўйича учтадан ғолиб — энг намунали мақола, радиосўзлаш, телекўрсатув, фотосурат ва Интернет материаллари муаллифларининг номи эълон қилинди. Бундан ташқари, «Йил янгилиги», «Йилнинг энг фаол ёш телемухбири», «Йилнинг энг фаол матбуот хизмати ходими», «Йилнинг энг яхши блогтери» каби номинациялар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди.

Ғолиб бўлганимдан гоят хурсандман, — дейди телевидение йўналиши бўйича биринчи ўрин соҳибни С.Сиддиқова. — Мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, айниқса, биз каби ёш журналистларга қаратилган доимий эътибор ва ғамхўрлик кўнимизга куч қўшиб, янги ижодий марралар сари учдайди.

«Йилнинг энг фаол ёш журналисти» кўрик-танлови ғолиблари ташкилотларнинг диплом ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

А.ЎРОЗОВ,  
УЗА мухбири

8 декабр —  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Конституцияси куни

### Ижтимоий муҳофаза — муҳим масала

— Ўзим ишлаётган коллеж маъмурияти томонидан меҳнат шартномам бекор қилиниб, ишдан бўшатилган эдим, — дейди Андижон шаҳар 2-мишй хизмат касб-хунар коллежи ишлаб чиқариш таълими устаси Зилола Маҳмудова. — Ана шу иш юзасидан вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилдим. Аризам ўрганиб чиқилиб, шартнома ноқонуний бекор қилинган деб топилди ва мен ўз вазирамга тикландим.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 59-моддасида: «Касба уюшмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ва манфаатларини ифода этадилар ва химоя қиладилар», деб белгиланган. Ана шу ҳужжатга кўра, мамлакатимизда касба уюшмалари томонидан фуқароларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини химоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вазирлар Маҳкамаси, Касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2015 — 2017 йиллар учун имзоланган Бош келишувга асосан вилоят ҳокимлиги, вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ўртасида минтақавий келишув имзоланган бўлиб, барча ишлар ана шу ҳужжат асосида амалга оширилмоқда.

► (3)

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

# «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан  
2016 йил 6 октябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2016 йил 12 октябрда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги 638-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 344-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 20-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Касаба уюшмаси ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига кўра ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган фуқароларнинг жамоат бирлашмасидир.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга ошириши мумкин»;

2) **2-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ходимлар, олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим олаётган шахслар ҳамда иш билан таъминланган бошқа шахслар (бундан буён матнда ходимлар деб юритилади) ҳеч қандай тафовутсиз ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек касаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шартин билан кириш ҳуқуқига эгадир.

Ходимлар барча корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади), яъна тартибдаги тадбиркорлик ва ўзга меҳнат фаолияти амалга оширилмаётган бошқа иш жойларида камида уч нафар ходимнинг ташаббуси билан касаба уюшмаларини тузишга ҳақли.

Касаба уюшмалари ишлаб чиқариш-тармоқ принцига кўра тармоқлар ва ҳудудлар даражасида тузилиши мумкин.

Ишламайдиган пенсионерларнинг касаба уюшмаси аъзоллигига кириши ёки ундан чиқиши тартиби касаба уюшмасининг устави билан тартибга солинади.

Касаба уюшмалари ихтиёрий равишда республика, тармоқ ва ҳудудий бирлашмаларини ташкил этиши, шунингдек уларга кириши мумкин, мазкур бирлашмаларга касаба уюшмалари фаолиятининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳуқуқлари ва кафолатлари татбиқ этилади.

Касаба уюшмаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

Касаба уюшмалари тенг ҳуқуқлардан фойдаланади»;

3) **3-модданинг биринчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Касаба уюшмалари ўз фаолиятида давлат органларидан, ҳўжалик бошқаруви органларидан, иш берувчилардан ва уларнинг бирлашмаларидан, сиёсий партиялардан ҳамда бошқа жамоат бирлашмаларидан мустақилдир, улар олдида ҳисобдор эмас ва улар томонидан назорат қилинмайди, қонунда назарда тутилган ҳўллار бундан мустасно. Касаба уюшмаларининг фаолиятига аралашушга йўл қўйилмайди»;

**иккинчи қисмининг русча матнидаги** «Профсоюз» деган сўз «Профессиональные союзы» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмининг русча матнидаги** «Профсоюз», «профсоюзам» ва «профсоюзные объединения и организации» деган сўзлар тегишлича «Профессиональные союзы», «профессиональные союзыам» ва «объединения и организации профессиональных союзов» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **4-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Фуқароларнинг касаба уюшмаларига мансублиги ёки мансуб эмаслиги уларнинг қонун ҳужжатларида кафолат берилмайдиган меҳнат ҳуқуқлари, бошқа ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, шахсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бирор бир тарзда чекланишига сабаб бўлмайди. Ходимни ишга қабул қилиш, хизмат погоналарига кўтариш, шунингдек у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш учун муайян касаба уюшмасига мансубликни, унга кириши ёки ундан чиқиши шарт қилиб қўйиш тақиқланади»;

5) **5-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Касаба уюшмасининг фаолиятини тугатиш устанда белгиланган тартибда унинг ваколатли органи қарорига кўра амалга оширилади.

Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонун ҳужжатларига зид бўлган тақдирда, бу фаолият суднинг қарори билан тақиқланиши мумкин. Касаба уюшмаларининг фаолиятини бирор бир бошқа органнинг қарорига кўра тақиқлашга йўл қўйилмайди»;

6) **6-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилгандан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ушбу Қонунни Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучларида, ички ишлар органларида, Миллий ҳавфсизлик хизматида ҳамда бошқа ҳарбий тузилмаларда қўлланишга ўзига хос хусусиятлари ана шу тузилмалар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади»;

7) **7-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«7-модда. Ўзбекистон касаба уюшмалари федерациясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқлари**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий масалаларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қабул қилиш тўғрисидаги тақлифларни тегишли давлат органларига киритишга ҳақлидир.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси олдиндан хабардор этилган ҳолда давлат органлари томонидан қабул қилинади»;

8) **8-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилади, иш билан таъминлаш борасидаги давлат сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этади, ташкилотларда ишдан бўшатиладиган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатлари асосида жамоа шартномасида белгиланмайдиган чора-тадбирларини тақлиф этади.

Иш берувчининг ташаббуси билан ходимларнинг сони (штати) ёки меҳнат шартнолари ўзгаришига олиб келадиган тарзда ташкилотни ва унинг таркибий бўлиmlарини тугатиш, ишлаб чиқаришни тўлиқ ёки қисман тўхтатиб қўйиш тегишли касаба уюшмалари камида икки ой олдин хабардор қилинган ҳамда улар билан ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан музокаралар ўтказилган тақдирдагина амалга оширилиши мумкин.

Касаба уюшмалари аҳолини иш билан таъминлашнинг ҳолати ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Агар жамоа шартномасида, келишувда меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун касаба уюшмаси қўмитасининг олдиндан розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб шартномани бекор қилишга йўл қўйилмайди»;

9) **9, 10 ва 11-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«9-модда. Касаба уюшмаларининг музокаралар олиб бориш ва жамоа шартномалари, келишувлари тузиш ҳуқуқлари**

Касаба уюшмалари иш берувчи, иш берувчиларнинг бирлашмаси билан жамоа музокараларини олиб боришда ва жамоа шартномаларини, келишувларини тузишда устувор ҳуқуққа эга бўлади, уларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Агар касаба уюшмалари жамоа шартномаси, келишувни тузиш тақлифи билан чиқса, иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари бу ҳақда музокаралар олиб бориши шарт.

**10-модда. Касаба уюшмаларининг ходимларни ижтимоий ҳимоя қилишга доир ҳуқуқлари**

Касаба уюшмаларининг меҳнат шартнолари ва меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва ишлаб чиқаришдаги ҳафсизлик, ходимларнинг уй-жой шартнолари, уларни ижтимоий суғурта қилиш, уларнинг соғлигини ва маданий манфаатларини муҳофаза қилиш, пенсия таъминоти соҳасидаги ҳуқуқлари тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Касаба уюшмаларининг республика ва ҳудудий бирлашмалари ўз ваколатлари доирасида ходимларни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини, нарх-наво индекси ўзгаришига қараб компенсация тўлаш миқдорларини аниқлашда иштирок этади, тирикчилик учун қонунда белгиланган зарур энг кам миқдорга ҳамда пенсиялар, стипендиялар ва нафақаларнинг миқдорига риоя этилиши устандан назоратни амалга оширади. Касаба уюшмаларининг бирлашмалари ушбу масалалар бўйича жамоа келишувлари тузиши мумкин.

**11-модда. Касаба уюшмаларининг қонун ҳужжатларига риоя этилиши устандан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир ҳуқуқлари**

Касаба уюшмалари иш берувчи томонидан меҳнат ва касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларига риоя этилиши устандан жамоатчилик назоратини амалга оширади, аниқланган ҳуқуқбузарликлар бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли. Иш берувчи қонун ҳужжатлари бузилишларини бартараф этиш тўғрисидаги тақдимномаларни кўриб чиқиши ва кўриб чиқиш натижалари ҳақида касаба уюшмасига ўн беш кунлик муддат ичида хабар бериши шарт.

Касаба уюшмалари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси билан, шунингдек суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Касаба уюшмалари ҳуқуқий ёрдам хизматларига ва бошқа зарур органларга эга бўлиши мумкин»;

10) **10-модданинг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Касаба уюшмалари яъна тартибдаги меҳнат низо-ларини кўриб чиқишда қонун ҳужжатларига мувофиқ иш-тирок этади.

Касаба уюшмалари қонун ҳужжатларининг, жамоа шартномаси, келишув шартларининг бузилганлиги, меҳнат ва турмушнинг янги ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини белгилаш ёки мавжуд шарт-шароитларини ўзгартириш билан боғлиқ масалалар бўйича жамоаларга доир меҳнат низоларини кўриб чиқишда иштирок этади»;

11) **13 — 16-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«13-модда. Касаба уюшмаларининг меҳнатга оид масалалар ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг бошқа масалалари юзасидан ахборот олиш ҳуқуқлари**

Касаба уюшмалари иш берувчидан, шунингдек давлат органларидан, ҳўжалик бошқаруви органларидан меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш билан боғлиқ масалалар юзасидан белгиланган статистика ҳисоб-ботлари доирасида бепул ахборот олишга ҳақлидир.

**14-модда. Касаба уюшмаларининг иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари томонидан жамоа шартномалари, келишувлари бажарилиши устандан жамоатчилик назоратини амалга ошириш ҳуқуқлари**

Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари жамоа шартномалари, келишувлари шартларини бузувчи қарор қабул қилган тақдирда, касаба уюшмалари ушбу қоида-бузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритишга ҳақли, бу тақдимнома бир ҳафталик муддатда кўриб чиқилади. Иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари касаба уюшмаларининг ушбу талабларини қаноатлантириши рад этган ёки кўрсатилган муддатда улар ўртасида келишувга эришилмаган тақдирда, келишмовчиликлар жамоаларга доир меҳнат низоларини ҳал қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

**15-модда. Иш берувчи ва меҳнат жамоаси ёки касаба уюшмаси ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш**

Ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ҳамда иш берувчи ва меҳнат жамоаси ёки касаба уюшмаси ўртасида келиб чиқадиган низо-ларни ҳал этишга доир масалалар қонун ҳужжатларига мувофиқ кўриб чиқилади.

**16-модда. Касаба уюшмаларининг Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузишдаги иштироки**

Касаба уюшмалари миграция, иш билан таъминлаш, меҳнат, нарх белгилаш ва ижтимоий таъминот масалаларига доир Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини тузишда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этиши мумкин»;

12) **17 — 22-моддалар** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«17-модда. Касаба уюшмалари фаолиятининг кафолатлари**

Иш берувчилар ва мансабдор шахслар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларига риоя этиши, уларнинг фаолиятига кўмаклашиши шарт. Улар касаба уюшмаларининг ҳуқуқларини бузганлик ёки уларнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўлади. Иш берувчилар ва мансабдор шахслар касаба уюшмалари вакилларининг шу касаба уюшмалари аъзолари ишлаётган ташкилотларга устанда белгиланган мақсад ва вазифаларини ҳамда қонун ҳужжатларида берилган ҳуқуқларини амалга ошириш учун киришига тўсқинлик қилишга ҳақли эмас.

**18-модда. Ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинган ҳолда касаба уюшмалари органларига сайланган ходимлар учун кафолатлар**

Қуйидагиларга интизомий жазо берилиши мумкин эмас:

касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинмаган ходимларга — шу органнинг розилиги олинмасдан туриб; ташкилот бўлимларидати касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига — тегишли касаба уюшмаси органининг розилиги олинмасдан туриб; ташкилотдаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига, касаба уюшмалари ташкилотчиларига — тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилиги олинмасдан туриб.

Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинмаган шахслар билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя қилишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олдиндан олинган тақдирдагина, ташкилотдаги касаба уюшмалари органларининг раислари ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга эса, юқоридагилардан ташқари фақат тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилиги олинган тақдирдагина йўл қўйилади.

Касаба уюшмаларининг ташкилотчилари ва касаба уюшмалари гуруҳларининг ташкилотчилари билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан

бекор қилишга тегишли касаба уюшмалари бирлашмаси органининг розилиги олинган тақдирдагина йўл қўйилади.

Касаба уюшмалари сайлаб қўйиладиган органларининг ишлаб чиқаришдаги ўз ишидан озод қилинмаган аъзоларига жамоа шартномасида, келишувда белгиланмайдиган шартларга кўра жамоа манфаатларини кўзлаб жамоатчилик вазифаларини бажариши учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда ишдан бўш вақт берилади, шунингдек касаба уюшмасининг қисқа муддатли ўқуви вақтида уларнинг ўртача иш ҳақи сақлаб қолинади.

Касаба уюшмаларининг сайлаб қўйиладиган органлари аъзолари касаба уюшмалари томонидан қақирладиган курултойларда, конференцияларда, шунингдек касаба уюшмаларининг пленумлари ва раёсатлари ишида делегат сифатида иштирок этаётган вақтга ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилиниб, уларга касаба уюшмасининг маблағлари ҳисобидан ўртача иш ҳақи миқдоридида ҳақ тўланади.

**19-модда. Ишлаб чиқаришдаги ишдан озод қилинган ҳолда касаба уюшмалари органларига сайланган ходимлар учун кафолатлар**

Касаба уюшмалари органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишдан озод қилинган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаган тақдирда эса, уша ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа ташкилотда аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимларга тегишли иш (лавозим) бериш имконияти бўлмаган тақдирда улар қонунда, жамоа шартномаларида, келишувларида назарда тутилган имтиёзлардан фойдаланади.

**20-модда. Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимларнинг меҳнатга оид қўшимча кафолатлари**

Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган ходимларга маҳаллий меҳнат органининг олдиндан розилигини олмастан туриб интизомий жазо беришга, улар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, шунингдек касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ходимлар билан меҳнатга оид муносабатларини уларнинг сайлаб қўйиладиган лавозимдаги ваколатлари тугаганидан кейин икки йил ичида иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга йўл қўйилмайди.

**21-модда. Касаба уюшмаларининг ҳамда уларга қарашли ташкилотларнинг мулкй ва молиявий ҳуқуқлари**

Касаба уюшмалари мулк ҳуқуқи асосида ўзига қарашли бўлган мол-мулк ва пул маблағларига эгаллик қилади, улардан фойдаланади ҳамда уларни тасарруф этади.

Касаба уюшмалари давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг мажбуриятлари юзасидан жавоб беради, ўз навбатида улар ҳам касаба уюшмаларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб беради.

Касаба уюшмалари ўз уставларининг маблағларининг манбалари, маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби уларнинг уставларида белгиланади.

Касаба уюшмаларининг молиявий фаолияти уларнинг уставларига мувофиқ амалга оширилади.

Касаба уюшмаларига қарашли ташкилотлар даромадларининг манбалари, улар олган маблағларнинг миқдорлари ва солиқларни тўлаш давлат солиқ хизмати органлари ва молия органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ назорат қилинади.

Касаба уюшмалари ўз уставларига қайд этилган мақсад ва вазифаларга мувофиқ белгиланган тартибда ташкилотларнинг фаолиятини амалга ошириш, тижорат ташкилотларини ташкил этиш, ноширлик фаолияти билан шуғулланиш, турли фондлар тузиш ҳуқуқига эга.

**22-модда. Иш берувчининг касаба уюшмалари фаолияти учун моддий шартнолар яратиш борасидаги мажбуриятлари**

Жамоа шартномасига, келишувига мувофиқ ташкилот ўз мулки бўлган ёхуд ўзи ижарага олган биналарни, хоналарни, иншоотларни ва бошқа объектларни, шунингдек дам олишни ташкил этиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари билан маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларини олиб бориш учун зарур бўлган дам олиш масканларини, болалар-ўсмирлар оромгоҳларини ва бошқа соғломлаштириш оромгоҳларини касаба уюшмаларига текин фойдаланиш учун беради.

Ташкилот мақсади ва миқдорлари жамоа шартномасида, келишувда белгиланмайдиган маблағларни касаба уюшмаларига ўтказилади.

Ташкилотда иш олиб борадиган касаба уюшмаларининг фаолияти учун бошқа моддий шартноларни яратиш жамоа шартномаси, келишув билан тартибга солинади».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирди.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**  
**вазифасини бажарувчи** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Ташкент шаҳри,  
2016 йил 28 ноябр  
№ УРҚ — 413

(«Халқ сўзи» газетасининг 2016 йил 29 ноябр сонидан олинди).

# Ижтимоий муҳофаза — муҳим масала

Ў(1).

— Бирлашма тизимидаги 3 минг 544 бошланғич ташилотга 558 мингга яқин касабга уюшма аъзолари бирлашган, — дейди Андижон вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Қодиржон Парпиев. — Жорий йилнинг ўтган даврида меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва интеллектуал манфаатларини ҳимоялаш, ижтимоий шерикликини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, фуқаролар маънавиятини юксалтириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш борасида салмоқли ишлар олиб борилди.

Меҳнат жамоалари билан ҳамкорликда ана шу мақсадларга йўналтирилган қатор қўшма қарор ва тadbирлар режаси имзоланиб, уларда белгиланган вазифалар бажарилишига эришилди.

Бирлашма бўлимлари, туман ва шаҳар тузилмалари томонидан 2016 йилнинг 9 ойида фуқаролардан тушган меҳнат қонуничилиги, ҳуқуқ ва манфаатлари бўлишчилик оид ёзма ва оғзаки тарздаги 160 мурожаат қонунда белгиланган тартиб ва муддатда ўрганиб чиқилди. Хусусан, фуқароларнинг меҳнат шартномаси бекор қилиниши юзасидан ёзган аризалари амалдаги тартиб доирасида ўрганилиб, фуқароларнинг бузилган меҳнатга оид ҳуқуқлари тикланди.

Бирлашма ҳамда туман, шаҳар касабга уюшма кенгашлари томонидан маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида, таълим муассасаларида Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш, меҳнаткашлар учун

қулай иш шароитлари яратиш, ишлаб чиқаришда жароҳат ва касб касалликларининг олдини олиш, ходимларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникаси мавзуларида давра суҳбатлари, учрашув ва семинарлар ўтказилгани мазкур йўналишдаги ишлар самарадорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бирлашма долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама этиш, ижтимоий шерикликини ривожлантириш юзасидан вилоят ҳокимлиги, унинг бўлим ва бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, банк-молия муассасалари, жамоат ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда иш олиб борди. Жумладан, жамоат шартномаларини тузиш, уларнинг ижросини таъминлаш, корхоналарда «устоз-шогирд» аънанасини ривожлантириш, иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловларни ўз вақтида тўлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, умуман, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимосини янада кучайтириш борасидаги ишлар устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишга қаратилган кўплаб тadbир ва семинарлар ўтказилди, жойларга чиқиб, бошланғич касабга уюшма ташкилотлари амалий-услубий кўмак кўрсатилди.

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорлик субъектлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бирлашмада тadbиркорлик бўйича юзага келиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш мақсадида ташкил этилган «Ишонч телефони» орқали мурожаат қилган 30 дан зиёд фуқарога ёрдам берилди.

Корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган 148 ёш оилага турли жиҳоз-

лар харид қилиш ва уй-жой қуриш учун имтиёзли ссудалар ажратилди, 3 минг 176 ёш оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, боқувчисини йўқотган ва эҳтижман оилаларнинг 4 минг 242 нафар фарзандига турли ўқув қуроллари харид қилиш ва дарсликлар ижара тўловини, олий ўқув юртлирида таҳсил олаётган 208 талабага шартнома тўловининг бир қисмини тўлаш учун зарур маблағ ажратилди.

Кам таъминланган оилалар ва уларнинг фарзандларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қатор акциялар ўтказилди. Жумладан, «Касабга уюшмалари — аёлларга», «Касабга уюшмалари — талабаларга» акциялари доирасида чекка қишлоқларда яшаётган аёлларга электр ва маиший-техника жиҳозлари, камҳарж оилаларнинг талаба қизларига стипендия берилди. «Касабга уюшмалари — бошқарма» акцияси доирасида Қўрғонтепа, Жалақудук, Пахтаобод, Бўз, Улунор туманларидаги умумтаълим мактабларида 1-синфга қабул қилинган 1200 болага санитария-гигиена жамламалари тақдим этилди.

Мухтасар айтганда, бирлашма томонидан бу бордаги ишлар самарадорлигини ошириш учун давлат ва жамоат ташкилотлари, ўзини-ўзи бошқариш органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, умуман, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Асосий мақсад, Бош қомусимизда белгиланганидек, меҳнаткашлар ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, фуқаролар турмуш фаровонлигини янада юксалтиришдан иборат.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,  
ЎЗА МУХБИРИ

## Меҳнат муҳофазаси

Сирдарё туманида жойлашган «Йўлрефтранс» акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ва Меҳнат вазирлиги, Касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Савдо-саноат палатаси ўртасида имзоланган «Меҳнат шароитлари ва муҳофазасини яхшилаш бўйича қабул қилинган ҳаракатлар дастури» доирасида «Меҳнат муҳофазаси ва саноат хавфсизлиги» мавзусида ўқув-семинар бўлиб ўтди.

## Таъсирчан тарғибот



Тadbирда вилоятдаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг иш берувчилари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича мутахассислари, унга масъул бўлган вакиллар, касабга уюшма қўмиталари ва кенгашлари раислари ҳамда «Йўлрефтранс» АЖнинг тегишли мутахассислари қатнашди. Вилоят касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими етакчи мутахассиси У.Таниқулнинг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг янги таърири тўғрисида, Меҳнат бош бошқармаси давлат меҳнат техник инспектори А.Ҳақимовнинг «Меҳнатни

муҳофаза қилишга оид қонун ости норматив ҳужжатларга қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон-Хитой «PENG SHENG» МЧЖ хорижий корхонаси касабга уюшма қўмитаси раиси Ф.Аҳмедовнинг жамоатчилик назоратини намунали йўлга қўйган қўшма корхоналар фаолиятига оид маърузалари қизиқиб тингланди.

Меҳнатни муҳофаза қилишда жамоатчилик назорати, бу юмушга дахлдор вакилнинг фаолияти хусусидаги хизматлари, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакил фаолияти ҳақида видео-

ролик намойиш этилди. — Янгиер шахридаги «Мос-Ян-текс» ҚК меҳнатни муҳофаза қилиш мутахассисиман, — дейди семинар қатнашчиси И.Хусанова. — Ушбу тadbир меҳнат муҳофазаси соҳасидаги муаммоларни аниқлаш ва уларни ечиш бўйича самарали меҳнат қилишимизга кўмак беради.

Семинарнинг амалий қисмида «Йўлрефтранс» АЖ бош муҳандиси А.Исмоилов бошчилигида жамиятда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш вакилларнинг фаолияти билан яқиндан танишилди. Бу ерда 1300 га яқин ходим меҳнат қилган аёллардир. Жамоанинг 900 аъзоси механиклар бўлиб, улар вагонларни таъмирлаш, юкларни ўз манзилига сифатли етказилишига жавоб беради. Шундан кейин чикиб, ходимнинг билими йил давомида тасдиқланган режа-жадвал асосида синовдан ўтказиб борилди.

Жамиятда ишчилар маҳсул кийим-бош, шахсий ҳимоя воситалари, зарарли иш шароитида фаолият кўрсатаётганларга суғуриш мажбуриятлари таъминоти тизимли равишда йўлга қўйилган. Ноқулай шароитда иш билан банд бўлган ходимлар 6 ойда бир маротаба тиббий кўриқдан ўтказилади. Жамиятга қарашли соғломлаштириш маркази замонавий талабларга мос жиҳозланган бўлиб, ходимлар фарзандларининг бепул тиббий кўриқдан ўтиши ҳам йўлга қўйилган.

Озода  
МАМАДАЛИЕВА,  
«Ishonch» мухбири

## Навоий томонларда Огоҳликка даъват

Навбахор агроиктисодиёт касб-хунор коллежида Мановият тарғибот маркази туман бўлими, «Навбахор тонги» газетаси таҳририяти, «Қамолот» ЁИХ туман кенгаши ҳамкорлигида «Терроризм — глобал муаммо» мавзусида маънавий-маърифий тadbир бўлиб ўтди.

## Вилоят босқичи

Навоий шахридаги 8-болалар мусика ва санъат мактабида «Нихол» Давлат мукофоти учун танловнинг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларида ғолиб бўлган 77 нафар ёш истеъдод мусиқа, опера, рақс санъати, мумтоз кўшиқчилик ва эстрада йўналишларида ўз қобилиятларини намойён этди.

Танлов натижасига қўра, Алпомиш Жамитов, Фарруқ Бахронов, Қумушбиби Донёрова, Улугбек Очиллов ва Дурдона Зокирова республика босқичида иштирок этиш учун йўланмани кўлга киритишди.

## Эртанги кун давомчилари

Навоий олимпия захиралари коллежида ўқувчи-ёшларни диний экстремистик оқимлар, миссионерлик билан боғлиқ ёт ғоялардан асраш, шунингдек, ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ҳамда таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга оид тadbир ўтказилди.

Дилафруз ҲОЗОВА,  
«Ishonch» мухбири

## 8 декабр — Конституция куни

# Тараққиёт ва фаровонлик асоси

Тошкент давлат аграр университетиди «Конституция ва миллий кадрларимиз» мавзусида маданий-маърифий тadbир ўтказилди. Тошкент вилояти касабга уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган анжуманда тармоқ касабга уюшма туман ва шаҳар кенгашлари раислари, фаоллар ҳамда талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат бошқаруви академияси кафедра мудири Ш.Зулфикаров ва бошқалар мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фу-

қаролик жамияти барпо этишнинг ҳуқуқий кафолати ва мустақам пойдевори бўлиб келаятган. Бош қомусимиз барча иқтисодий-сиёсий, ҳуқуқий-маънавий ислохотларнинг тамал тоши, жамият тараққиёти ва халқ фаровонлигининг асоси эканлигига алоҳида уруғ берди.

Тadbирда, шунингдек, Конституцияимизнинг яратилиш тарихи, унинг демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва инсон манфаатларини таъминлашдаги аҳамияти, халқчиллиги, халқроқ ҳуқуқ нормаларига монандлиги, ўзига хос жиҳатлари ҳақида кенг маълумот берилди.

Ўз мухбиримиз

## Ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати

ЎЗМУ қошидаги С.Сирожиқидинов номидаги академик лицейда «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолати» мавзусида анжуман ташкил этилди. Унда тажрибали ҳуқуқшунослар, давлат ва

нодавлат ташкилотлари вакиллари, шунингдек, «Қамолот» ЁИХ масъул ходимлари иштирок этишди.

Унда сўз олганлар Конституцияимиз, унинг яратилиш тарихи ҳақида алоҳида тўхталдилар. Шунингдек,

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш жараёни ва тартиби ҳақида ўқувчиларга атрофли маълумот берилиб, бу бордаги саволларга жавоб қайтарилди.

Тadbир давомида «Энг яхши ҳуқуқ билимдонлари» аниқланиб, уларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз

## Нодавлат секторда

# Ходимлар касабга уюшма ҳимоясида

Бухоро вилоятида нодавлат сектори корхона ва ташкилотларида тузилаётган касабга уюшма қўмиталари сон жиҳатидан кўпайиб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бормоқда. Жорий йилнинг ўтган уч чорагида нодавлат секториди 1506 та жамоанинг 7350 нафар ходими касабга уюшмалари сафига жалб этилди. Улар орасида вилоят марказида фаолият бошлаган «Шавкатбек» масъулияти чекланган жамияти ва унинг 14 нафар аъзоси ҳам бор.

— Мустақиллик шарофати билан тadbиркорларга берилётган имтиёزلардан самарали фойдаланиб, нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш

бирлашмасининг бир гуруҳ вакиллари ташриф буюрди. Улар цехларда бўлиб, меҳнат шароити билан танишди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини



қўздан кечирдилар. Ҳаммасидан ҳам касабга уюшмасига аъзолик афзалликлари тўғрисида батафсил маълумот берилиши ходимларда катта қизиқиш уйғотди.

Пировардида, корхонада бошланғич касабга уюшма ташкилоти тузилди. Тажрибали ходим Истам Забиев касабқўм раислигига сайланди. Ишчилар саломатлигини мустақамлаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш каби муҳим вазифаларни режаси белгилаб олинди.

Корхонада янги цехлар учун замонавий талабларга мос бинолар қад ростламоқда. Айтишларича, қурилиш ишлари келгуси йилнинг биринчи ярмида якунланади ва хорижий технология асосида жиҳозланади. Табиийки, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ва ҳажмини кўпайтириш билан бирга, унинг сифатини ҳам оширади. 8 нафар коллеж битирувчиси иш билан таъминланади. Маъмурият ва касабга уюшма қўмитасининг ҳамкорлиги янги марраларнинг эгалланишида асосий омил бўлади.

Иzzатулла ҲОЖИЕВ,  
«Ishonch» мухбири.

СУРАТДА: корхонанинг илғор ишчиси Нафиса Икромова шогирди Малика Қаҳҳорова билан.

Муаллиф олган сурат.

Қашқадарё вилоятида нодавлат сектори корхона ва ташкилотларини касабга уюшмасига жалб қилиш ишлари изчил давом эттирилмоқда. Натijaда, жорий йил 15 ноябр ҳолатида 3599 та масъулияти чекланган жамият ва хусусий корхоналарда 14135 нафар ходим касабга уюшма ҳимоясига олинди.

## Аъзолар сони ортмоқда

Нефт-газ ва геология ходимлари касабга уюшма тизимида «Қоратепа метан» МЧЖ, «Кислородтаъминот сервис» хусусий корхонаси, Агросаноат мажмуи ходимлари тармоғидан «Диёрбек асал боғи», «Абдуваитов Фозил Фарходович» фермер хўжаликлари, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабга уюшмасидан «Нурбек Обидович» МЧЖ, «Чироқчинвест» МЧЖ, Соғлиқни сақлаш ходимлари касабга уюшмаси тармоғидан «Экосан қадар» МЧЖ, «Диз-тeпсервис» МЧЖ каби ташкилотлар аъзолари сони жиҳатдан кўпайиб билин бошқалардан ажралиб туради.

Кези келганда, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касабга уюшмаси вилоят бирлашган қўмитаси мутахассислари воҳода фаолият олиб бораётган йирик қурилиш фирмаларини касабга уюшма аъзоллигига қабул


қилиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини ҳар қачонгидан кучайтирилган тарғибот қилиш жониз. «Дил Зиёдабахт автотранс сервис» МЧЖ, «Фалабаавтосервис» МЧЖ, «Сухроб-Сардор-қурилиш» хусусий корхонаси каби қатор меҳнат жамоаларида касабга уюшма қўмитаси тузилиб, аъзолик афзалликлари бўйича семинарлар ўтказилди.

Истеъмом товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касабга уюшмаси тармоғида ҳам силжишлар бор. Масалан, 13 нафар ходим ишлайдиган «Маржона универсал фазз», 14 киши меҳнат қилаётган «Ширин-ободнуроний» хусусий корхоналарида касабга уюшма афзалликларининг амалда намойён бўлиши иш унумдорлиги ошишига хизмат қилаётган.

Акмал АБДИЕВ,  
«Ishonch» мухбири



# 4 ДЕКАБР – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кuni




**Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши «Навоийазот» АЖ касба уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида илк бор қатнашган сайловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган семинар ташкил этилди.**

## Тарғибот тадбирлари

Тадбирда цехларда ишлаётган ёш ходимлар, касб-хунар коллежи битирувчилари ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди. Тармоқ касба уюшмаси Республика Кенгаши раисининг ўринбосари С.Тўхтаев, бош юрисконсулт А.Ҳасанбоев, «Навоийазот» АЖ касба уюшма кўмитаси раиси Т.Рўзимуродов мамлакатимизда ёшларнинг ўз хоши-иродасини эркин билдириши, сайлаш ва сайланиш бўйича конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ таъминлангани, халқаро демократик стандартларга тўла мос бўлган сайлов тизими яратилганини таъкидлаб ўтдилар. — Сайлов участкасида барча қўлайлик яратилган, — дейди касба уюшма кўмитаси раиси Т.Рўзимуродов. — Эътиборли жиҳати, корхонамизга бириктирилган участкаларда сайловчиларнинг 50 фоизига яқинини ёшлар ташкил этади. Биринчи марта овоз бераётганлар эса 3 миңдан ортиқ. Уларнинг сайлов ҳуқуқини тўла рўёбга чиқариш учун алоҳида тайёргарлик кўрилди. Она ва бола ҳамда тиббиёт хоналари талаб даражасига келтирилди. Айтиб ўтганимиздек, сайлов участкасида келолмайдиган сайловчиларнинг рўйхати шакллантирилди. Семинарда ёшларга истиқлол йилларида яратилган миллий сайлов тизими, шунингдек, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун, сўнги билларда унга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳияти, шу жумладан, сайловчиларнинг қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларни атрофича тушутирилди.

## Сайлов ҳуқуқлари тушунтирилмоқда

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик авж палласига кирди. Мазкур жараёнда Ўзбекистон касба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда.



Республикаимиз ҳудудларидаги корхона, ташкилот ва муассасаларнинг меҳнат жамоаларида давра суҳбати ва семинарлар ўтказилиб, иқтисодийнинг турли тармоқларида меҳнат қилаётган ходимлар, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларга сайловга оид қонунларнинг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи, сайловларда овоз бериш қоидалари, тартиб ва талаблари тушунтирилмоқда.

Сайловчиларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда сайлов ҳуқуқи борасидаги билимларини оширишга қаратилган ана шундай тадбирлардан бири касба уюшмалари тизимидаги «Турон» санаторийсида ташкил этилди.

«Биз ўз келажагимиз учун овоз берамиз» мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда турли соҳа ходимлари, сиҳатгоҳда фаолият кўрсатаётган мутахассислар ва дам олувчилар, санаторий атрофидаги маҳаллаларда истиқомат қилувчи фуқаролар, ёшлар ва касба уюшма фаоллари қатнашди.

Мазкур соғломлаштириш масканида дам олувчиларга зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида 161-сайлов участкаси ташкил этилган.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва унинг ҳудудий бирлашмалари томонидан иқтисодийнинг турли тар-

моқларида меҳнат қилаётган ходимларнинг сайлов ҳуқуқларидан хабардорлигини оширишга йўналтирилган шундай тадбирлар корхона, ташкилот ва муассасалар меҳнат жамоаларида, тизимдаги санаторийлар ва дам олиш уйларида ўтказилиб, «Биринчи марта овоз бераман!», «Хар бир сайловчи ўз овозига эга», «Биз сайлаш ҳуқуқига эгамиз» каби мавзуларда давра суҳбати ва семинарлар, конференция ва учрашувлар ташкил этилди.

Шунингдек, касба уюшмалари томонидан ўрта махсус ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда биринчи марта овоз бераётган ёшлар — ҳудудлардаги касб-хунар коллежларининг 3-босқич ўқувчилари ҳамда олийгоҳларнинг 1-босқич талабалари учун семинар-тренинглар уюштирилди. Бундан ташқари, тармоқ касба уюшмаларининг туман кенгашлари сай-ҳаракати билан маҳалла фуқаролар йиғинларидаги аҳоли ўртасида ўтказилган маърифий тадбирлар фуқароларнинг сайловга оид билими ва сайлов жараёнидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга йўналтирилди.

**Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Матбуот хизмати**

## Тайёргарлик авжидида

4 декабр кuni Миробод туманидаги 191-сайлов участкасида 2642 та овоз тўпланади. Бу ерга «Билимдон» маҳалласи ахли қаторида қўшни «Файзиобод» маҳалласидан ҳам 785 нафар сайловчи келади. Шунинг учун туман ички ишлар, ёнги хавфсизлиги бошқармалари ходимлари қаторида шифокорлардан ташкил топган 11 кишилик комиссия кун-у тун хизматга шай бўлиб турибди:

— Тайёргарлик авжидида, — дейди комиссия раиси, 2-оилавий поликлиника бош шифокори Муборак Асророва. — Сайловчилардан 1075 нафари аёллар, илк бор овоз берувчилар 54 нафари ташкил этади. Муддатдан олдин овоз берган 6 кишининг варақалари улар гувоҳлигида хатжилдларга солиниб, муҳрланиб, сақлаш бўлмасига қўйилди. Уйига бориладиган 69 нафар фуқаро учун 3 та автомашина ҳозир.

Дарҳақиқат, бу ерда шароит кўнглидагидек. Қўнлик даврий наурлар, телевизор, таркатмалар, ёнги хавфсизлиги бурчаги, тиббий жиҳозланган болалар хонаси шай. Бир пиёла чой истовчилар ҳам эътиборга олинган.

— Аҳолимиз 2443 нафарни ташкил қилади, — дейди «Би-

лимдон» МФЙ раиси Алишер Юсупов. — Шундан 1857 нафари сайловда қатнашади. 11 та кўчабоши билан биз ҳам жараёнда қизгин иштирок этаямиз. 18 ёшга тўлган 32 нафар йигит-қиз билан суҳбатлашдик. Хонадонларга хужжатли фильм ёзилган дисклар тарқатилди. Ўз навбатида, маҳаллаимиз ахли ҳам идора эшигини тез-тез тақиллатиб, сайловга оид савол ва тақлифлар билан мурожаат қилиб турибди. Ҳ.Алимбеков, С.Пўлатова, А.Мирзаахмедов каби фахрийларимиз иштирокида олдинги ва хозирги даврни қиёслаб, хотиржамлик ва тараққиёт, олиб борилаётган ислохотлар ҳусусида суҳбатлар ўтказаямиз...

— Бизнинг ҳудудда сайловчилар сони уч миңдан ошиб кетгани боис 785 нафар фуқаро

191-сайлов участкасига бириктирилди, — деди «Файзиобод» МФЙ раисининг диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марғуба Аҳмедова. — 3 нафар ногирон учун кўчама кути олиб келинади. Гарчи маҳалламизда тонданок аҳолининг асосий қисми овоз бериш учун келиши кўп бора кузатилган бўлсада, сайловчиларнинг жараёнда фаол иштирокига 2 та кўчабоши, 3 та уйбоши ҳам масъулдир. Албатта, улар бу борада тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришапти.

Сайлов жараёнининг муваффақиятли, холисона ва камчиликларсиз ўтишида Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан Миробод тумани маҳаллаларига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида бириктирилган тизим фаолларининг жараёндаги иштироки ҳам сайлов комиссиялари ҳамда маҳалла фаоллари томонидан ҳурсанглик билан эътироф этилмоқда.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ, «Ishonch» мухбири**

Тайёргарлик жараёнида сайловчилар ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида корхона касба уюшмаси томонидан тасдиқланган тарғибот тадбирларини уюштириш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасига биноан ташвиқот ишлари изчиллик билан олиб борилаётгани ҳам семинар иштирокчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Бундан ташқари, уларнинг сайлов жараёнидан хабардорлик даражасини янада ошириш мақсадида цех касба уюшмаларида «Мен шахсан ўзим овоз бераман!», «Бизнинг оиламизда ҳар биримиз ўз овозимизга эгамиз!», «Менинг овозим — Ватан келажагига дахлдор!», «Сайловчилар рўйхатида бормисиз?» мавзуда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

**Баҳром ҚУВВАТОВ, Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси**

Инсон ҳаётида юз берган унутилмас воқеалар оғушида яшайди: илк бора мактабга қадам қўйиш, паспорт олиш ва албатта, ёш сайловчи сифатида илк марта сиёсий танловни амалга ошириш. Бугунги кунда Наманган вилоятида рўйхатга олинган 1 миллион 771 миң 67 сайловчи орасидан 69 миңдан зиёд ёшлар ана шундай ҳаяжон ичра кунни кунга улашмоқда.

## Илк бора

Ўз конституцион ҳуқуқини амалга ошириш арафасида турган Нозиммахон Абдуллаева биз билан фикрларини ўртоқлашди:

— Ҳозирда Чуст педагогика коллежиди тахсил олмоқдаман. Мустақил Ўзбекистонимизда биз ёшларга кўрсатилаётган эътибор, берилаётган имтиёزلарнинг адоғи йўқ. Шунинг учун ҳам сайлов жараёнида фаол иштирок этишга, келажагимизга дахлдор қарорни қабул қилишда адашмасликка ошиқмоқдаман. Шу мақсадда сайлов участкамизга чиқиб, билишим лозим бўлган жиҳатларни эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилдим. Оила аъзоларимиз билан мен таълим олган Чуст туманидаги 2-умумтаълим мактабиди фаолият юритаётган 577-сайлов участкасида овоз берамиз. Сайловчилар рўйхатида ўз номимни кўриб, очиги, ҳаяжонландим. Сабаби: овоз ва обод, дунё ҳам-жамиятида ўз ўрнига эга бу юртда энди менинг ҳам ўрним бор. Бу жараёнда туманимиздаги 175 007 нафар фуқаро иштирок этса, улардан 6031 нафари мен каби илк бор сайлаш ҳуқуқига эга бўлган тенгдошларимдир. Бу рақамнинг ўзиёқ бизнинг кичкина куч эмаслигимизни кўрсатмоқда.

Шу ўринда Нозиммахон Абдуллаева тилга олган 577-сайлов участкаси ҳақида икки оғиз сўз: мазкур масканда сайловчилар учун барча шарт-шароит яратилган. Участкида номзодларнинг дастурлари билан тўлиқ танишиш, ёш сайловчиларга керакли тавсияларни ўзида жамлаган қўлланмаларни ўқиш мумкин. Шунингдек, тиббиёт, она ва бола хонаси, буфет сайловчиларга хизмат кўрсатади. Участки ҳудудида 6 нафар сайловчининг саломатлиги тақозоси билан ўз уйида овоз бериши режалаштирилмоқда. Ташкилий масалаларни камчиликларсиз амалга ошириш мақсадида сайлов участка комиссиясига 5 та «Дамас» автоулови бириктирилган.

**Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири**

Навоий вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмасида мамлакатимизда 4 декабр кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига биринчи марта овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган ёш ходимлар учун «Мен ҳам илк бор сайловда иштирок этаман» мавзусида давра суҳбати ташкиллаштирилди. Унда 80 нафардан ортиқ ёшлар қатнашди.

Тадбирда сиёсий партиялар ҳамда «Камолот» ЕИҲ вакиллари илк бор сайловда иштирок этаётган ёшларга овоз бериш тартиби бўйича тегишли тавсияларни беришди. Ийгилиш савол-жавобларга бой тарзда кечди.

**Дилафрўз ҲОСИНОВА, «Ishonch» мухбири**

## Дахлдорлик

Қорақалпоғистон Республикаси касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ҳудуддаги 890 та меҳнат жамоасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига бағишланган «Мазнавийят соатлари»да 71 миң 165 нафар ҳодим иштирок этди. Шунингдек, 5 та олий таълим муассасида «Менинг овозим — Ватан келажагига дахлдор» мавзусида тарғибот тадбирлари ўтказилди.

Маърузаларда мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллий сайлов тизимининг тўлиқ шаклланиши ва мазкур тизимнинг халқаро демократик тамойилларга тўла мос эканлиги алоҳида таъкидланди. Иштирокчиларга «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонун ва сайлов масалаларининг тартибга солуви бошқа қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари батафсил тушунтирилиб, ҳар бир фуқаронинг овози муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд этилди.

**Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch» мухбири**

## Кўтаринки руҳда ўтади

4 декабр кuni мамлакатимизда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Баратхўжа» МФЙда ҳам қизгин тайёргарлик кўрилаяпти. 3254 нафар аҳоли истиқомат қиладиган ушбу маҳалла 197-сайлов участкаси таркибига киради.

— 2274 нафар сайловчига эга маҳалламиздаги ҳар бир фуқарони сайлов жараёни билан таништиришга, унда фаол иштирок этишга тарғиботдан аввал ўзининг конституцион ҳуқуқидан фойдаланиш, — деди 197-сайлов участкаси котибаси Шаҳноза Абдуллаева. — Бундан ташқари, 11 нафар ётоқ шароитидаги сайловчилар учун 3 та энгил автотранспорт воситаси бириктирилган. Сайловга маълум сабабларга кўра кела олмайдиган фуқароларимиз хонадонига комиссия аъзолари билан биргаликда бориб, уларнинг ушбу жараёнда иштирокларини таъминлаймиз.

Участкида ташкил этилган Тиббиёт ҳамда Она ва бола хоналари жиҳозлар билан таъминланган.

лари жараёнининг аъло даражада ўтишига ҳисса қўшиб келишаяпти.

— 30 ноябр ҳолатига кўра сайловчиларимиздан 13 нафари конституцион ҳуқуқидан фойдаланди, — деди 197-сайлов участкаси котибаси Шаҳноза Абдуллаева. — Бундан ташқари, 11 нафар ётоқ шароитидаги сайловчилар учун 3 та энгил автотранспорт воситаси бириктирилган. Сайловга маълум сабабларга кўра кела олмайдиган фуқароларимиз хонадонига комиссия аъзолари билан биргаликда бориб, уларнинг ушбу жараёнда иштирокларини таъминлаймиз.

Участкида ташкил этилган Тиббиёт ҳамда Она ва бола хоналари жиҳозлар билан таъминланган.



«Баратхўжа» МФЙ ҳудудида жойлашган «Қўйлик ота», «Муноси 1» кўчаларидаги чироқлар янгиланиб, аҳоли хавфсизлиги таъминланаяпти.

Бир сўз билан айтганда, юртимиздаги бошқа сайлов участкаларидаги каби 197-сайлов участкасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти

— Юртимиз тинч, дастурхонимиз тўқин, келажагимиз бундан-да порлоқ бўлсин, — дейди Абдулла хоним Маҳкамов «Баратхўжа» МФЙ раиси С.Қўзибоев билан суҳбат асоси, бугунги кунга шукроналар айтиб.

ти сайловига тайёргарлик кўтаринки ва изчил тарзда амалга оширилаяпти. **Давронбек ОРИПОВ, «Ishonch» мухбири**

8 декабр — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни



Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейда 1 минг 67 нафар ўғил-қиз...

Таълим масканида ўқувчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилиб, дарс ва тўғарак машғулотида ёшлар Конституциямиз моддалари шарҳи билан мунтазам таништириб борилади.

СУРАТДА: Нукус давлат педагогика институти қошидаги 1-академик лицейда.

ЎЗА ФОТОМУХБИРИ МАҚСАД ҲАБИБУЛЛАЕВ олган сурат.

Ойлик доирасида

Масъулиятли бўлайлик

Халқимизда «Олов — дўст, олов — душман» деган ибора бор. Дарҳақиқат, инсонга қувонч, иссиқлик бахш этувчи оловдан тўғри фойдаланилса, у беминнат хизмат қилади.

Одатда ёш болалар катталарга тақлид қилишни яхши кўришади. Шу боис рўй бераётган барча кўнгилсиз воқеаларда биз катталар айбормиз.

Тахлилларга қараганда, 2016 йилнинг ўтган 10 оқи давомида республикамизда жами 10309 та ёнгин содир бўлиб, оқибатда 397 нафар инсон турли тан жароҳати олган ва 103 нафари ҳаётдан бевақт кўз юмган.

Фарзандларимизнинг шўхликлари туфайли нафақат ёнгинларнинг кўпайиши, балки ушбу ёнгинларда тан жароҳати олиши ёки ҳалок бўлиши ачинарли ҳол, албатта.

«Бола-ку шўх, ўйинқарок. Бироқ катталар қаерга қарашяпти?» деган ҳақли савол туғилиши табиий. Фақат озгина эътибор, кунт бўлса, бундай нохуш ҳолатнинг олди олинади.

Шу боис ҳам Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари мактаб, болалар боғчаларида бўлиб, ўқувчи ва тарбияланувчилар билан ёнгин офати тўғрисида мунтазам равишда суҳбатлар ўтказиб туришибди.

Хавфсизлик қоидалари оддий. Улар асосан носоз газ, электр ва иситиш асбоблари, айниқса, қишнинг совуқ кунларида давлат стандартларига жавоб берайдиган қўлбола иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик, маст ҳолда ўринда сигарета чекмаслик, болаларни назоратсиз қолдирмаслик, кўчаларда чиқинди ахлатларни ёқиб юбормасликдан иборат.

Фарзандларимиз — келажакимиз пойдевори. Барча ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар ҳар қуни ва ҳар бир ўталаётган дарсда болаларга ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишини уқтириб, эслата бериб туриши даркор.

Шундай экан, ота-оналардан оғоҳ бўлиш, боласининг тилсиз ёв билан ўйнашига йўл қўймаслигини сўрардик. Хонадонингиз ва фарзандингизни ёнгиндан асранг.

Б.АКБАРОВ, ИИВ ЁХБ МТББ инспектори

Шаҳар бедарвоза эмас

Қонунбузарликларга чек қўйилди



Мамлакатимиз ҳудудига четдан товар-моддий бойликларни импорт қилиш тартиби пухта ишлаб чиқилган бўлиб, бунда, энг аввало, юртдошларимиз саломатлиги, шунингдек, ички ишлаб чи-

қарувчилар манфаатлари алоҳида эътиборга олинган. Афсуски, амалдаги тартибларга риоя этмай, ички бозорни сифатсиз маҳсулотлар билан тўлдиришга ҳаракат қилаётган «ишбилармон»лар ҳам йўқ эмас.

Яқинда пойтахтимиз божхона ходимлари томонидан катта миқдордаги парфюмерия ва косметика маҳсулотларининг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Жумладан, «Келес» темир йўл чегара божхона пости ходимлари «Москва — Тошкент» йўналишидаги поездда фуқаро Ш.Мухамедов (мақоладаги барча исм-шарифлар ўзгаририлган) умумий қиймати 8 млн. сўмдан ортиқ 240 дона

турли хил косметика товарларини вагоннинг хуфиёна жойига яшириб олиб келалётганини аниқлашди.

Шунингдек, «Алматы — Нукус» йўналиши бўйича кириб келган поезд йўловчиси, қўшни давлат фуқароси Т.Саидов эса қўл юклари орасида умумий қиймати 10 млн. сўмдан ортиқ жами 246 дона турли хил парфюмерия ва косметика товарлари борлигини йўловчи божхона декларацияси ҳамда божхоначиларнинг оғзаки сўрови пайтида «эсдан чиқарган».

Тошкент шаҳар божхона бошқармасининг «Чўқурсой» ташқи иқтисодий фаолият божхона пости ходимлари хо-

ридан Фарғона вилоятида фаолият юритувчи хусусий тадбиркорлар номига келтирилган темир йўл контейнеридаги товарларни белгиланган тартибда назоратдан ўтказганда, мазкур контейнерда тегишли йўл ҳужжатларида кўрсатилганидан ортиқча бўлган 6 турдаги салкам 32 минг дона парфюмерия ва косметика товарлари, ошхона анжонлари борлиги аниқланди.

Хозирда мазкур ҳолатлар юзасидан божхона текширувлари ва суриштирув ҳаракатлари давом эттирилмоқда.

Шу ўринда, Тошкент шаҳар божхона бошқармаси фуқаролардан божхона қонунчилиги бузилишига доир ҳолатлар ёки божхона ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари юзасидан 120-76-76 «Ишонч телефони»га кўнғироқ қилишлари мумкинлигини эслатади. Мурожаатлар анонимлиги кафолатланади.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ахборот хизмати

«Оналари соғлом — болалари баркамол Ватан!» республика танловига

Виждони уйғоқ аёл

МУКАДДИМА

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир доно аёл яшаган экан. У эрининг ишдан қачон келиши-ю, кўнглидан нима кечаётганини, фарзандининг меҳрини юракдан хис қилиб, шунга қараб юмушларини бажарар экан.

— Эринг ишдан келаётганини қандай сезасан?

— Ҳўжайиним уй томон келаётган бўлса, юрак уришим тезлашади, — жавоб берибди аёл.

— Уйга келиб, жанжал қилмоқчилигини ҳам сезаркансан-а? — сўрабди табиб.

— Эрим бир нарсадан хафа бўлса ё унга бирор нарса ёқмаса, негадир танам қизий бошлайди, шундан ундаги ўзгаришни сезиб, дарҳол чора излайман, — дебди аёл.

— Уни тинглаб турганлар кулиб юборишибди.

— Бу аёл ҳақиқатини айтмоқда, — дебди табиб ва яна уни саволга туттибди:

— Болангинг келаётганини қандай сезасан?

— Биттагина ўғлим бор. У мадрасада ўқийди. Йилига бир ё икки марта уйга келади. Уғлим келар вақтида беҳос кўрагимга сўт келади. Бу ҳолат нима эканини билмайман.

— Эй, аёл, қисинма, бу табиий ҳол, — деди доно табиб. — Болангга меҳринг кучли, эрининг қаттиқ севасан, оилангни ҳурмат қиласан, эъозлайсан. Қанийди, ҳамма аёллар, оналар сендай бўлса...

Дарҳақиқат, аёл қалби битмас-туганмас мўъжизалар манбаидир. Мақоламизни бежиз она муҳаббати ҳақидаги ҳикоя билан бошламадик. Бугунги қаҳрамонимиз ҳам меҳрибон оналардан. Онаки, меҳри қайнок, виждони ҳамиса уйғоқ. Онаки, оиласида саодати, тинчи, ҳаловати бор. Унга ҳамма ҳавасда, кўча-кўйда, ишхонада барчага ибрат. Бу фидойи аёл «Шўртангазкимё мажмуаси» масъулияти чекланган жамияти қасаба уюшма қўмитасининг ташкилий масалалар бўйича йўриқчиси Гулжаҳон Сувоқуловадир.

МЕҲР ҚОЛУР

Гулжаҳон опа билан хонасида суҳбатлашиб ўтирибмиз. Бир онахон киришга изн сўради. Опани тўйга айтиб келибди. Қизини узатаётган экан. Опа унинг қувончига шерик бўлди. Тўй ташвишлари ҳақида сўради, қасаба уюш-

ма қўмитаси яхши кунда елкадош бўлишни айтиб, онахоннинг кўнглини тоғдай кўтарди. У хурсанд бўлиб тушқуби кетди.

Опа бу аёл ҳақида сўзлаб берди: — Дилбар опа корхонамизда ишлайди. Турмуш ўртоғи вафот этган. Уғлини ишга жойлаштироқчи бўлиб келганида танишиб қолгандик. Оилавий аҳолини кўриб ўзини ҳам ишга олдик...

Шу пайт яна эшик тақиллади. Хонага кирган ўрта ёшлардаги киши гапни нимадан бошлашни билмай бироз ўйланиб турди. Опа унинг руҳиятидаги тушқуби сезиб, оиласи, фарзандларининг соғлиги ҳақида сўради. Маълум бўлишича, бу одамнинг хотини шифохонада даволанаётган экан. Опа у айтмасданок дори-дармон учун пулдан қисилди қолганини тушунди. Унга вазиятини баён қилиб ариза ёзишни ва моддий ёрдам ажратилишини айтди. Боши эгилиб кирган ходим кўнгли ёришиб хонани тарк этди.

— Корхонамизда 4057 нафар ишчи-ходим ишлайди, — дейди Г.Сувоқулова. — Шундан 629 нафари хотин-қизлар. Ҳар бир ходимнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимояси қасаба уюшма эътиборида. Қизинингдир оиласида нотинчлик, кимдир тўй тараддуидида, бошқиси бетонлик сабаб меҳнат фаолияти сусайган. Хуллас, катта жамоанинг ташвишу-у қувончи ҳам ўзига яраша. Қасаба уюшма йўриқчиси барини хис қила олиши ва иш бевуви билан бамааслаҳат муаммоларни бартараф этиши зарур. Шундангина жамоада соғлом муҳит барқарор бўлиб, меҳнат унумдорлиги ортади. Шерикликда имзоланган жамоа шартномасига асосан корхонамизда боқувчисини йўқотган 45 нафар аёлга моддий ёрдам берилди. Қолаверса, уларнинг 34 нафар фарзанди корхонага қарашли «Лочин» болалар оромгоҳида соғломлаштирилди. 50 нафар ёши эллиқдан ошган аёллар учун Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкил этишни режалаштирганмиз.

Хотин-қизларимиз турли спорт мусобақалари ҳамда маданий-маърифий тадбирларда фаол қатнашади, мунтазам равишда қасаба уюшма қўмитаси томонидан рағбатлантириб борилади. Корхонамизда ходимнинг ўзи ёки оила аъзолари даволаниши учун моддий ёрдам кўрсатилади. Бундан ташқари, беморнинг шароити нуқтани назардан келиб чиқиб, хайрия тарзида ҳам кўмак бериш анъанаси бор. Бунда ҳар бир цех бошлиғи ва қасаба уюшма етакчиси йиғилиш ўтказиб, ходимлар ўз хоҳишига қўра ҳамқасбига ёрдам кўрсатади. — «Лочин» оромгоҳининг собиқ директори Исматилло Тўрақулов хотирасига бағишлаб мини-футбол турнири ташкил этдик, — сўзида давом этади Гулжаҳон опа. — Мусобақада ходимларнинг фарзандлари тўртта

жамоага бўлиниб, ўзаро беллашди. Қаршидаги «Геолог» спорт мажмуасида ўтган бу турнирни ҳар йили анъанавий тарзда ташкил этишга қарор қилинди.

ТАШКИЛОТЧИ, ИЖОДКОР

Гулжаҳон опа жуда яхши ташкилотчи. Ҳар бир байрамда корхонанинг санъатсевар ходимлари билан биргаликда турли саҳна кўринишлари тайёрлайди, маданий-маърифий, мусикий дастурлар ташкил этади. Бундан ташқари, опа яхшигина ижодкор ҳамдир. Шеърлар машқ қилиб туради. Унинг «Ҳаёт фалсафаси» шеърларида шундай сатрлар бор:

Яшаш нима ўзи? Сабқ олишни, Кимгадир лой чаплаб, Сўнгра тонишни? Йўқ, дўстим, адашма, Яшаш чин бахтидир. Оташдек ёниб, Ишлаш роҳатдир. Яшаш нима ўзи? Англагин, дўстим, Яшаш ширин ҳаёт, Жўшқин баёғдир...

САОДАТ МАНЗИЛИ

Гулжаҳон опа катта корхонада ишласада, иши ўзига яраша оғир ва масъулиятли. Шунга қарамай, уй-ўйғор юмушлари ва фарзанд тарбиясига ҳамиса вақт топади. Кўрпа қапишми, гилам тўқишми, ширмой ноналар ёпиш-у мазали таомлар тайёрлашда унга етадиган йўқ. Ишлаётган, деб рўзгорини ташлаб қўймайди. Болаларининг тушлик таомини эрта тонгда туриб пишириб қўяди, қийимларини дазмонлайди, хулла, тинмайди...

Турмуш ўртоғи Ботир Салоидинов Қарши давлат университетини ўқитувчи. Тўнғич қизи Гавҳар шу университетда тахсил олаётди. Иккинчи фарзанди Мохинур илмга қизиқувчан. У яхшигина шеърлар ёзади. Болалигидан болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтадиган турли танлов ва фестивалларда фаол қатнашиб, ғолиб ва совриндор бўлган. Шеърий тўпламлари чоп этилган. Бадий гимнастика билан ҳам шугулланади. Бундан ташқари, расм чизишга қизиқиб, аппликация йўналишида ютуқлари бисёр. Ижодкор қиз келажакда шифокор бўлишга аҳд қилган.

Угли Баҳодир академик лицейда ўқияпти. Жаҳон адабиёти намуналарини севиб мутулаа қилади. У «Президент асарлари билим-дони» танловининг вилоят босқичида ғолиб



РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши «Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришнинг 2014 — 2020 йилларга мўлжалланган Стратегик дастури» доирасидаги тадбирларни амалга ошириш бўйича

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Лойиха номи: «Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг комплекс интеграллашган ахборот тизимини яратиш (шифр: KasabaKIAT)» (2-босқич).

Лойиханинг максимал қиймати: 2,2 миллиард сўм.

Лойихани амалга ошириш муддати: 2 йил (январь, 2017 й. — декабрь, 2018 й).

1. Тендер савдолари очiq турда ўтказилиб, унда танлов шартларини бажара оладиган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, юридик мақомга эга бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тендер савдоларида иштирок этиши тақиқланмаган барча корхона ва ташкилотлар иштирок этишлари мумкин.

2. Ишчи орган: «TUNE Consulting» МЧЖ

Манзил: Тошкент ш., 100015, Ойбек кўчаси, 59. Телефонлар: +998 95 142-91-16 (иш), +998 90 979-03-68 (моб.) e-mail: info@tuneconsulting.net

3. Тендер савдоларида қатнашиш шартлари: Тендер ҳужжатларида кўрсатилган.

4. Тендер ҳужжатларининг нархи: 300 000 (уч юз минг) сўм.

5. Тендер савдоларини олиш учун юқорида кўрсатилган манзил бўйича тендер комиссиясининг ишчи органига мурожаат этиш мумкин (тендер ҳужжатларини олиш учун учинчи шахс томонидан пул тўловларини амалга оширилиши тақиқланади).

6. Тендер савдоларида қатнашиш учун ариза ва тақлифлар Ишчи орган томонидан юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2016 йил 15 декабр соат 17:00 гача қабул қилинади (шанба ва якшанба кунларидан ташқари).

Алижон МУҲИДИНОВ, «Шўртангазкимё мажмуаси» МЧЖ қасаба уюшма қўмитаси фаоли

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ

## Мақтабдан ташқари таълим

Одатдагидек тушдан кейин Вобкент туман «Баркамол авлод» болалар маркази ҳовлиси ўқувчи-ёшлар билан бўлди. Кўнгирак чалинган, улар машгулот хоналари томон йўл олишди. Кенг, ёруғ, озода хоналарда амалий ва назарий сабоқлар қизгин давом этди. Касб-хунарга қизиқувчи ўғил-қизлар шу тарзда бўш вақтини мазмунли ўтказиш билан бирга ижодкорлик маҳоратини ҳам оширишади.

## «Баркамол авлод» болалар марказида

— Мақтабдан ташқари таълим соҳасида 23 йилдан бери ишлаб келяпман. Марказимиз 2011 йили ташкил этилган, — деди марказ директори, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси Роҳат Ҳайитова биз билан суҳбатда. — Кўркем, кўш қаватли бинога эгамиз. Тўғрақ машгулотларини талаб даражасида ташкил этиш учун барча имкониятлар мавжуд. Улардан самарали фойдаланиб, вилоят, республика танловларида муваффақиятга эришиб келяпмиз.

Марказнинг «Бадий ижодиёт», «Техник ижодкорлик», «Улқашунослик ва экология» йўналишларидаги тўғрақларда 660 нафар ўқувчи қамраб олинган. 10 та умумтаълим мактаби ва «Арабхона» маҳалла фуқаролар йиғинида филиаллар ташкил этилган. Утган ўқув йили якунида касб-хунарнинг бошланғич сирларини пухта ўзлаштирган тўғрақ аъзоларининг 256 нафарига махсус гувоҳнома топширилди.

Марказ ўқув-услубий бўлими томонидан ишлаб чиқилган, бугунги талабларга мос тавсия ва қўлланмалар ёш тўғрақ раҳбарлари ҳамда касб-хунарга иштиёқманд ўқувчиларга фойдали бўлмоқда. Чунинчи, «Бешикчи чорак ёхуд таълим-тарбия узлуксизлигини таъминлашда ўқувчиларнинг ёзги таълимини мазмунли ташкил этиш», «Янги педагогик технологиялардан унумли фойдаланиш — ўқувчининг онгига маълумотларни янада яхшироқ синдириш мақсули», «Дизайнер, моделер касби ҳақида тушунча» каби ўнлаб услубий тавсияномалар, очиқ машгулотлар ишланмалари шулар жумласидан.

Педагогларнинг ишга ижодий ёндашиши, ўқувчилар иқтидорини шакллантиришдаги ҳаракатлари ижобий самара берапти. Вилоят, республика, халқаро миқёсда ўтказилаётган қатор нуфузли танловларда голиблик қўлга киритилаётди. Айниқса, «Тасвирий санъат», «Компютер сабоқлари», «Инглиз тили», «Ёш иxtирочи», «Бичиш-тиктиш», «Ёш қандолатчи», «Компютер-дизайнер графикаси» тўғрақлари аъзолари эришаётган ютуқлар эътиборга сазовор.

— Марказда меҳнат қилаётган 53 нафар мутахассис ходимнинг асосий диққат-эътибори фарзандларимизни баркамол этиб тарбиялашга қаратилган, — дейди касба уюшмаси раиси Манзура Раҳимова. — Бу борада тармоқ касба уюшмаси туман кенгаши, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди билан йўлга қўйилган ҳамкорлик яхши самара берапти. Ёшларга касб-хунар ўргатишдан ташқари улар билан турли мавзуларда суҳбатлар, меҳнат фахрийлари ва илгор замондошларимиз иштирокида учрашувлар уюштирилди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,  
«Ishonch» мухбири

## Наманганлик чемпион қизлар



Наманганлик Мухлиса Абдумаликова, Умида Мирҳамидова, Махлиё Йўлдошева жорий йилнинг ноябр ойида ёшлар ўртасида Хиндистонда ўтказилган кураш бўйича жаҳон чемпионатида ўз вази тоифасида олтин медални қўлга киритди.

Чемпион қизлар Наманган шаҳридаги яқка кураш спорт турларига ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби тарбияланувчилари бўлиб, мураббий Комижон Бутаев раҳбарлигида маҳорат оширмоқда. Мактабда кураш,

бокс, дзюдо, юнон-рум кураши, каратэ, таэквондо (WTF), оғир атлетика, велоспорт, ўқ отиш каби спорт турлари бўйича машгулотлар йўлга қўйилган. Уларга жалб этилган 679 нафар ёшнинг 130 дан зиёди қизлардир.

**СУРАТДА:** (чапдан) чемпион қизлар Умида Мирҳамидова, Махлиё Йўлдошева, Мухлиса Абдумаликова.

ЎЗА фотомухбири  
Ҳотам МАМАДАЛИЕВ олган сурат.

## Танловнинг ҳудудий босқичи

# Зулфияхоним издошлари

Истиклол йилларида таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ шоири, халқаро Жаҳоҳарлар Неру номидаги ҳамда «Нилуфар» мукофотлари совриндори Зулфияхонимнинг мунаввар сиймоси янада ёрқин намоён бўлдики, бу эъзоз ва эҳтиром мамлакатимиз оналари, айниқса, истеъдодли қизларнинг камолини юксак даражага кўтарди.

Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилиши юртимизда турли соҳаларда минглаб истеъдодларнинг нафақат республика, шунингдек, халқаро миқёсда ҳам эътироф этилишлари гага замин яратди. Биргина Фаргона вилоятидан 17 нафар қиз ана шу нуфузли мукофот совриндори сифатида фазилат ва салоҳиятлари билан ёшларга ўрнак бўлиб келмоқда.

Ушбу мукофотга номзодларни саралаш вилоят босқичи Фаргона шаҳридаги 41-ихтисослаш-

ган давлат умумтаълим мактабидан кўтаринки руҳда ўтказилди. Танловда бешта йўналиш бўйича 124 нафар қиз иштирок этди. Зулфияхоним издошларининг йилдан-йилга кўпайиб бораётгани юртимизда фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат тобора ривож топаётганидан далолат бўлиб, иқтидорлилар сафи ҳам кенгайиб бораётди.

— Каратэ бўйича беш қарра Ўзбекистон чемпиони бўлдим, — дейди Кўкон шаҳридаги 18-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқув-

чиси Роҳила Нишоновна. — Вилоятимиздан уч нафар спортчи қиз Камола Раҳмонова, Сарвиноз Саидхўжаева, Зулфия Мамажоноваларнинг Зулфия номидаги Давлат мукофоти гага сазовор бўлганликлари ҳар биримизга ўзгача ғурур ва шиҳоат бағишлади. Зулфияхоним издоши бўлиш менинг ҳам эзгу мақсадим.

Кўрғазмалар залида кулчулик бўюмлари, дизайнерлик санъати намуналари, миллий либослар галереяси ташкил этилди. Барча ижодий ишлар мутахассислар ва йилгиланларнинг қизиқишига сабаб бўлди.

Саралаш босқичида ҳақамлар ҳайъати томонидан бешта йўналиш бўйича муносиб номзодлар танлаб олинди.

Ўз мухбиримиз

## Ҳаёт ҳикматлари

# Парҳез саломатлик манбаи

Одам ҳар бир нарсада меъёрни сақлаб, парҳезкор бўлгани маъқул. Донишмандлар нафақат овқатда, балки сўзда, тинглашда ҳам меъёрни билишган. Таомни кам еб, қўкат ва сабзавотлар истеъмолига кўпроқ эътибор қаратишган. Камгап, кам уйку бўлишган, ҳалол меҳнат билан кун кечиришган. Меъёрни унутган одам пала-партиш овқатланади, қорни тўйганини сезмайди ҳам. Етмагандек, иштаҳани қўзғайдиган ичимлигу зирavorларга ружу қўяди. Бунинг оқибатида вужудга зиён етади, руҳ оғирлашади. Натижада, соғлиққа путур етиб, бу умр қисқаришига олиб келади. Вақти-бевақт овқатланиш, шўр, аччиқ нарсаларга ширинликларни қўшиб истеъмол қилиш ҳам инсон танасидаги мутаносибликни бузади.

## Соғлиқ — чеҳра очиқлигида...

Кексалар дуога қўл очганда Оллоҳдан энг аввал тинчлик, хотиржамлик, кенгфевъл, кетмас давлат бер, деб сўрашади. Бунинг маъносини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Негаки, Оллоҳ берган саломатликдан кўра қимматли нарса йўқ. Мол-дунё йиғиш, шайтоний ҳро ҳаваслар, ҳасад, шубҳа, очкўзлик, адоват, хиёнат, ёлғончилик ва бемехрлик соғлиққа қарши турувчи омиллардир. Агар шу иллатлардан бири сизда бўлса, кўнгли хотиржамлигиниз бузилиб, юрак фаолиятингиз ёмонлашади, мия толиқади, руҳият азият чекади. Аксинча, яхшилик ва саховат, қаноат ва сабр руҳни юксалтиради, ихлос ва ибодат эса кўнглига рўшнолик олиб қиради. Саломатлигимиз йўлидаги ана шу тўсиқларни олиб ташласакки ана шу умр кўришимиз мумкин.

## Энг яхши табиб

Ҳайрон қоламан: баъзи оилаларда ҳамма нарса бадастир, аммо каттасидан тортиб кичиқилгача боши касалдан чиқмайди. Зўрга кун кўрадиган айрим оилаларда эса саломатлик, бахт уфуриб туради.

Оиласида роҳат туйган инсоннинг бахти тўқис, соғлом ва баркамолдир. Рўзғори бадастир боши касалдан чиқмайдиган оилаларда ўзаро ҳурмат йўқ, тенгсизлик ҳукмрон. Эр-хотин ўртасида ишонч йўқ. Гўё мажбурият юзасидан яшашади. Хотиннинг кўнгли ярим, эрники ҳам. Кўнгли шикаста аёл оиладай катта бир кўргонни ярим кўнгли билан нурлантира олмайди-да ахир! Демакки, оила ахлининг саломатлиги кўпроқ аёлга боғлиқ. Аёл энг яхши табибдир.

## Бахт — меҳр-муҳаббатда!

Бахту омад осмондан тушмайди, унга эга бўлиш ўз қўлимизда. Инсон ўзи уйдан ҳаловати фароғат топиб, кириб-чиқиб юрганига не етсин. Киши ўз уйини «омад қасри»га айлантириш учун ўзи яшайдиган уйга меҳр бериши, уни поклаши, ёмон кўздан асраши керак.

Бунинг учун уй ҳамиша тоза, саранжом-сарийшта, барча жиҳозлар кўркем, чироклар ярқираган, ҳатто сув қувурлари ҳам соз бўлиши керак. Ҳатто жўмрақдан томчилаётган сув, «бузуқ соат» ҳам уйга ноухлиқ олиб келади.

Хоналарни супуриб-сидириб, полларини артаётганда фақат яхши кайфиятда бўлиш керак. Айниқса, бўюм ва жиҳозларни сувда ҳўлланган латта билан артиш керак. Токи тонгда ишга отланаркансиз, вужудингиз қувватга тўлиб турсин. Шунда кун давомида ўзингизда чарчок сезмайсиз, ишингиз юришади, ҳар юмушни қийинчиликсиз бажарасиз, омад йўлингиз очилади. Демакки, Яратганининг ўзи сизга ато этган кўнни бахтёрлик оғушида ўтказасиз. Мухими, маънавий ва жисмоний соғломлик сизга йўлдош бўлади.

## Пулга сотилмас бойлик

Ширин орзу инсонга куч беради, вужудини яшартиради. Оқибатда, касаллик чекинади. Рўҳан ва жисман соғлом киши тоза насл қолдиради. Узоқ вақтга ақл-идрокини бешиқаст сақлайди, ҳаётдан завқланиб яшайди.

Унутмангки, тани сихатлик пулга топилмайди, балки ақл-идрок билан қўлга киритилади. Ҳозир ҳавони ҳам совутиб, ҳам иситиб берадиган кондиционерлар урфга кирди. Меъёрни билганлар учун бу катта имконият. Аммо кишин-ёзин кондиционерли хонада эшик-деризаларни беркитиб ўтириш қони зарар. Фақат биз бу зарарни ўз вақтида пайқамаймиз. Натижада, беихтиёр соғлигимизга путур етади.

Тоза ҳаво соғлиқ учун энг яхши даво. Айниқса, дов-дархатли жойларда дам олишнинг фойдаси кўп. Тоза ҳаво хисобига танада қон тозаланади, тери эркин «нафас» олади. Соф ҳаво танамиздаги иссиқлик алмашинуви ҳамда физиологик жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг ақсига, димқиқан ҳавонинг зарари кўп бўлиб, у қонда кислордо танқислигини юзга келтиради, кўпгина хасталиқларга йўл очади.

Амина ҚОДИРОВА,  
«Ishonch» мухбири

## Тафаккур манзили

Интеллектуал мулк бебаҳо хазинадир. У қай даражада билимга эга эканлигимиз билан ўлчанади. Тоза ҳаво ҳаёт учун қанчалик зарур бўлса, илм ҳам ақдан ва маънан қомил инсон бўлиб воғга етишимизда ана шундай муҳим воситадир. Ким илмиман, билимим ошиб-тошиб ётибди деса, табиийки, катта хатога йўл қўйган бўлади.

Қобуснома китобини ўқир эканман, бир жиҳат эътиборимни тортиди. Унда шундай дейилган: «Сўз тўрт нав бўлур, халойиқ ҳам тўрт нав бўлур. Бири билади ва билишини ҳам билади. Бу олимдир, унга тобе бўлмоқ даркор. Бири билмайди ва билмаслигини билмайди. У қобилдир, унга ўргатмоқ даркор. Бири эса билади, бироқ билишини билмайди. У уйқудади, уни бедор қилмоқ лозим. Бири эса билмайди ва билмаслигини ҳам билмайди. У жоҳилдир, ундан қочмоқ керакдир».

Юқоридаги фикрлар шу тўртта тоифадан қай бирига мансуб эканлигингиз хусусида беихтиёр уйга толдиради. Ҳар ҳолда олимлик даввосини қилишдан унча-мунча одам ўзини тияди. Ҳаммасини билмаган дейдиган «олим»лар эса, афсуски, талайгина. Билишимизни билмаслик ўз-ўзидан тушунарлики, лоқайдлик ва ҳатто ўзимизни етарлича англай олмаслигимиздир. Демак, Қобусномада айтилганидек уйқудан уйғонишимиз лозим.

илмсизлик жоҳилликка, жоҳиллик эса разолатга етаклагани сир эмас. Илмсизликни тан олмаслик эса янада улкан фожиа.

Коинот қанчалик чексиз бўлса, илм манзили ҳам шу қадар чексиз. Шундай экан, ҳатто олим бўлсак ҳам ол-

мумкинлигини тахмин қилишган. Ҳақиқатан ҳам бу чексиз олам сир-синоатга тўла. Ер эса коинотдан кузатилганда, айлана шакидаги маълум ўлчамга эга бўлган планета бўлиб, коинотнинг бир заррасидир. Коинот эса ғоятда чексиз. Олам чексизлиги, коинот чексизлиги... Буни ҳис қилганимиз сари хайратимиз ортгандан ортиб бораверади. Бу чексиз оламда, табиийки, бизни ҳайратга соландиган жумбоқлар, сир-синоатлар тўлиб-тошиб ётибди.

Тан олиш керак, инсоният катта ютуқларга эришди. Кўз кўриб, қўлоқ эшитмаган кашфиёт ва иxtиролар барчаси ана шу илм мақсулидир. Ибтидоий ҳаётга қийслайдиган бўлсак, бугун биз мўъжизалар асрида яшаймиз. Бироқ, кўриб турганларимиз, истаимизми, йўқми, бу тезкор асрдаги ҳаёт учун қифоя қилмайди.

Модомки, биз ўқиб-ўрганмаган жиҳатлар ҳали кўп экан, ҳозирча ҳаммасини билмаган дейишга ҳаққимиз йўқ. Бу олам, аслида, улкан бир жаҳоҳирлар уммони гага ўхшайди. Ким қанча жаҳоҳир топади, энди бу унинг ақлий салоҳияти ва қувваи ҳофизасига боғлиқ. Бу жаҳоҳирлар ҳеч қаерда сотилмайди. Унга фақат илм ва маърифат йўли билан эришиш мумкин.

Сайёра ШОДИЕВА

## Жаҳоҳирлар уммони



Хали кўп нарсани билмаймиз деб ўйлаш ва билмаслигимизни тан олиш ҳам ҳар ҳолда ижобий баҳолашни мумкин. Чунки билмаган нарсасини билиш истаги инсонни табиатан мутолаага ундайверади. Бироқ тўртинчи — билмайди ва билмаслигини ҳам билмайдиган жоҳил тоифадан бўлиб қолишдан Ҳудо асрасин. Чунки ҳар қандай макон ва замонда ҳам

ган билимларимиз улкан чексизлик олдида денгиздан қатра эканлигини унутмайлик. Бешикдан то қабргача илм изла, деб бежизга айтилмаган.

Дунё ва коинот нуқтаи назаридан тафаккур юритар экан, олимлар инсон онгининг чекланганлигини, коинот чексизлигини тасаввурга синдириш онгни маълум маънода жароҳатлаб қўйиши

### РЕКЛАМА

**ДИҚҚАТ ТАНЛОВ!**  
«Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси корхона ҳисобиди дизел ёқилғисидан ишловчи «ISUZU NQR 71 PL» русумли махсус бортли юк автомобилларини сўутирилган газ ёқилғиси ускуналари билан қайта жиҳозлаш ишларини бажариш учун махсус лицензияга эга бўлган корхоналар ўртасида танлов оғлон қилади.

Танлов 2016 йил 14 декабр куни соат 10:00да «Жанубгазтаъминот» унитар корхонасининг мажлислар залида ўтказилади.

Мурожаат учун телефон: (0-375) 223-14-05.

Манзил: Қарши шаҳри, Хонобод шоҳқўчаси, 11-уй.

Изоҳ: Керакли маълумотларни олиш учун корхонанинг «Автотранспорт ва махсус техникаларни ишлаши» хизматига мурожаат қилишингиз мумкин.

«ЖАНУБГАЗТАЪМИНОТ» УНИТАР КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ.

### ТУЗАТИШ!

«Ishonch» газетасининг 2016 йил 19-ноябрдаги №138 (3799) сонидан чоп этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорига асосан «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖнинг Қорақалпоғистан Республикаси Бош филиал томонидан Амударё, Берули ҳамада Тўртқўл туманлари ний ҳамада 2016 йил 16 январ дейбунда қаторини 2017 йил 16 январ деб ўқилишини маълум қиламиз. Қолганлари матн бўйича.

Хизматлар лицензияланган.

**MUASSIS:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**  
Jahongir Sharofboyev  
**Tahrir hay'ati:**  
Abdulaziz Abdullayev, To'lg'in Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamajonov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshov

**BO'LIMLAR:**  
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63  
Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69  
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79  
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43  
Reklama va e'lonlar — 256-87-73

**Manzillimiz:**  
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy  
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shamba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narvda.

«Ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi short. Mualliflari fikri ta'biriyati nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

**HUUDLARDAGI MUXBIRLAR:**  
Qoraqalpog'iston Respublikasi — (+998-91) 268-92-32  
Andijon — (+998-91) 475-23-60  
Buxoro — (+998-93) 653-50-81  
Jizzax — (+998-91) 943-67-44  
Namangan — (+998-90) 260-50-77  
Navoiy — (+998-93) 314-13-03  
Samarqand — (+998-97) 915-50-87  
Sirdaryo — (+998-90) 610-95-55  
Surxondaryo — (+998-91) 233-69-07  
Farg'ona — (+998-91) 141-27-70  
Xorazm — (+998-90) 719-48-00  
Qashqadaryo — (+998-91) 467-30-01

**Navbatchi muharrir:**  
A.Toshev  
**Navbatchi:**  
N.Mahamov  
**Musahhirlar:**  
S.Shodiyeva  
**Sahifalovchi:**  
H.Abdullajilov

Boshiga topshirish vaqti — 21:20  
Topshirishi — 23:00

1 2 3 5 6

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etiladi.  
**Korxonani manzili:**  
Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta «Ishonchning» kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.  
Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 3 bosma taboq. Buyurtma f — 1215. 13560 nusxada bosildi. Nashr ko'rsatkichi: 133

Taxiriyat xisob raxnami: 2021 0000 0004 3052 7001.  
ATB «Iltihot» banki «Ishonch» filiali, bank kodi: 00999, STP: 201133889, OKON: 87100